



Улар бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшади. Сиз чапдаги суратда кўриб турган Лилля Сагирова Тошкентдаги «Зенит» заводига 57-хунар-техника билми юртини тугаталаб келган. У қисқа муддат ичда шоғирд...



Ушларта Худоберлар тоғи ва ўзбек миллатига мансуб бўлсаларда бир мақсад, бир маслак йўлида меҳнат қилишади. Т. Каримов суратлари.

Жамиятимизда рўй бериб турган иқтисодий ҳамда маънавий ўзгаришлар, янгиликлар кишилар эътиборини тобора жалб қилмоқда ва ҳар турли мунозаралар, баҳсларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, шу кунларда босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтишнинг муносабати билан баҳслар янада кескин тус олмақда. Кимлардир бунга хайрхоҳ, яна кимлардир бундан норозил. Жумҳуриятимиз аҳолиси ўртасида бозор иқтисодиётига ўтишда аниқлашловчиликлар сезилмоқда. Шу тарафдан биз озми-кўпми кишилар онгидан бозор иқтисодиёти ҳақида қандайдир фикрлар мундасира эканлигини билмиш мақсадида Тошкент тўқимачилик комбинатининг бир гуруҳ ишчиларини даврга таълим қилдик. Давра суҳбатда пердозиш фабрикаси электр бўлими ишчиси Сергей Калинин, электр бўлими устаси Бахтиёр Очлов, оқартирши корпуси электр бўлими электрчи Василлий Литвишко, тўқимачилар маданият саройи ҳисобчис Эркин Норкулов, ил йиғирув фабрикаси бош муҳандиси Мурод Салимов, ил йиғирув фабрикасининг эшик-калавалаш цехидан юк ташувчи Рустам Алланазаровлар қатнашди.

нинг фикрича, аввало халқимизнинг қонун-қондаларини билмаганликлари, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳозир матбуот, ҳаво мажлаҳлари ва «Ойна жаҳон»да бериб берилаётган турли хил материаллар шов-шувларга сабаб бўлаётди. Бу айниқса биз тилга олаётган бозор иқтисодиётига боғлиқ...

ўтас аҳвол оғирлашди. Мана кооперативларнинг қарағи, ким шундай бўлади, деб ўйлаган эди. Бозор иқтисодиётида ҳам шундай шунингдек аҳвол рўй берса нима дейсиз? Мисол тариқасида ҳозир бозорга бирор бир кўйлакни сотгани олиб чиқинг, чайковчиларнинг ўзлари сизни миллицияга ушлаб беради. Бир сурув кўйлакнинг ичига битта бегонанин қўйсангиз шохлай бошлаганларидек, сизни тутиб беришади, шу билан орган ҳодимлари ҳам бир ишни дундиришаётгандек бўлиб кўринишади. Қани инсоф?! Назоратнинг бўлишидан кооперативчилар талтайиб кетишди-да! Назорат шу бўладиган бўлса бозор иқтисодиётига ўтас, бир томонда бой савдогарлар ҳузурда, бир томон...

рилса ишчиларнинг маоши ҳам 40-50 сўм кўтарилиши керак. Бусиз мумкин эмас. Рустам АЛЛАНАЗАРОВ: Хўп, ўша сиз айтган 40-50 сўм маош ҳам кўтарилади, аммо бундан бирор фойда чиқишига ишчи етмайди. Мен бозор иқтисодиёти кўтарилишига ишонмайман.

Эркин НОРКУЛОВ: Рустамжон, бозор иқтисодиётининг келажакни порлоқ. Шунинг учун ҳам порлоқки корхоналар, артеллар ўз мақсулотига ўзлари хўжайин, зарари ҳам, фойдаси ҳам ўзларининг қорондилари. Шундан кўришиб турибдики, корхоналар ва ҳар турли артеллар зарарларидан кўра ўз фойдаларини кўзлаб иш юритадилар. Улар фойда қилишлари учун сифатли, янада сифатли мақсулот ишлаб чиқаришлари керак бўлади, бўлмаса аро кўлда қолиб кетаверишади. Шунинг учун ҳам бизлар чет эл буюмларига ўзимиз.

Дилшод НЕЪМАТОВ: Юқорда Бахтиёр ака «Янгилик ҳаммаша ҳам осон бўлмаган» деб ўтдилар. Тўғри, лекин янгилик менингча унутилган эскилик бўлса керак. Бизлар шу давргага планнинг кетидан қувиб юрардик, қарабсизки қанча қувмаллик барибир ўзимиз камситиб келган хорижийликлардан анча ордда қолиб кетишимиз. Бугунчи, бугун яна янгилик деб эски бозор-ўчарга қайтаётимиз. Эркинжонга ўхшаб чет эл буюмларини мақтаётимиз. Хом ашё маскани бўлиб қолганлигимиз эса алам қилади. Ҳамма бало бизларнинг иш юритишни билмаслигимизда, бизларда бирор бир ишнинг кўзини биладиган чиқиб бойиб бошласа, дарров у кишини чўкиб ташлашади. Шундай одамларга йўл очиб берилмас экан, бозор иқтисодиётидан ҳеч нарсани кутиб бўлмайди. Қисқаси, иш бошқарши буюк санъат эканлигини унутиб қўйганмиз.

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўсағасида

ТАНГЛИКДАН ҚУТУЛИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ

қурши дейишга тўғри, бугун эса бозор иқтисодиёти, эртага билмадими дима дейишаркин, шу билан бирор нима ўзгараётгани, қайтага кишиларнинг безовталиги ошмоқда.

де камбағал ишчилар озорда бўлишади. Бахтиёр ОЧИЛОВ: Бозор иқтисодиётининг ҳаммаини ҳар хил тушунамиз чоғи. Мен кинда кишлоқда бўлиб қайтдим. Бозорларни айландин, ишонмасам ҳали биз бозор иқтисодиётига ўтмай туриб нарх-наво осмонга чиқиб кетибди. 1 кило мол гўшти 6,5-7 сўм, қўй гўштининг бир килограмми 8-9 сўм. Мева-чеваини-ку айтайди қўя қолай. Чақанди. Ҳали биз бозор иқтисодиётига ўтмай туриб баҳо шунчага кўтарилди. Бахтиёр ўтас, қўшнинг бир килоси (молники) 9-10 сўмга чекиши тайин. Мурод ака ўтғри айтидилар, агар ҳукумат томонидан назорат қилинмас экан, аҳолимиз хароб бўлади.

Дилшод НЕЪМАТОВ: Юқорда Бахтиёр ака «Янгилик ҳаммаша ҳам осон бўлмаган» деб ўтдилар. Тўғри, лекин янгилик менингча унутилган эскилик бўлса керак. Бизлар шу давргага планнинг кетидан қувиб юрардик, қарабсизки қанча қувмаллик барибир ўзимиз камситиб келган хорижийликлардан анча ордда қолиб кетишимиз. Бугунчи, бугун яна янгилик деб эски бозор-ўчарга қайтаётимиз. Эркинжонга ўхшаб чет эл буюмларини мақтаётимиз. Хом ашё маскани бўлиб қолганлигимиз эса алам қилади. Ҳамма бало бизларнинг иш юритишни билмаслигимизда, бизларда бирор бир ишнинг кўзини биладиган чиқиб бойиб бошласа, дарров у кишини чўкиб ташлашади. Шундай одамларга йўл очиб берилмас экан, бозор иқтисодиётидан ҳеч нарсани кутиб бўлмайди. Қисқаси, иш бошқарши буюк санъат эканлигини унутиб қўйганмиз.

Бахтиёр ОЧИЛОВ: Тўғри, лекин ишловчиларини ҳам кўкка кўтариб бўлмайди. Кўпгина ишчилар лоқайд, ҳаттоки, оддий дастгоҳларига қимчиб қарамайдилар, меркисини-ку сўраб ўтирмаган. Фақат маош камроқ чириб қолса нолишини билдилар, холос.



Василлий ЛИТВИШКО: Албатта, бошқарувчи ишчи, ишчи бошқарувига боғлиқ, лекин бозор иқтисодиёти учун муҳими, бизларнинг жаҳон бозорига тўғрилик бўлган ўрнинидадир. Одамларнинг ташвишга тушеётгани ҳам бежиз эмасда ахир! Кунга кун фабрикамаиз савдо дўкончасида 15 тиндан сирагет сотишди. Узи узоқ турариб сарғайиб кетибди. Тарин уни 15 тиндан сотишди. Давлат нархи 12 тин экан, шу ерда ҳам юлгинлик қилишга тўғри. Бозор иқтисодиётига ўтишимиз тайин. Лекин бундай куплаққундузи ишчини ўтмай қолган мақсулот билан алдас, яна у кишини ишлиб қилиш мени кечиринг, бу одамларда нафрат туғиғусини ўйотганидан бошқа нарсаси эмас.

Бахтиёр ОЧИЛОВ: Ука, сизнинг бу гапларингиздан шу нарса маълум бўлдики, сиз жамиятимизда рўй бериётган ўзгаришларга бефарқ эмасиз. Инсон эрти эртанин кун билан ишмоғи керак. Бугун сиз бозор иқтисодиётига ўтишимизга нороз бўсангиз, демак эртага яна бошқа бир сисематимизга қўйилмайсиз. Бозор иқтисодиётига ўтишимиз керак. Чунки жамиятимизни танг аҳволдан кутқариш учун шундан бошқа йўл қолмади. Ажаб эмас, биз ҳам уч-тўрт йилдан сўнг худди Польшадагидек мўл-кўлчиликка эришсак.

Сергей КАЛИНИН: Ҳақ гап. Бозор иқтисодиётига ўтишимиз ўзи бўлмайди. Аввало чайковчиликка бархам бериш керак. Агар биз уларга тегишли жаза бермас эканмиз ҳаммаини чайковчи босиб кетади. Ва қарабсизки, бугун бошли мақсулотни хоҳлаган нархда сотади. Ким қийналади, сиз-у бизга ўшаганлар. Олай деса қиммат, бунинг устига олаётган маошида баракка йўқ. Сотиб олмай деса бола-чақа деганди. Уларни боқиб керак.

Бахтиёр ОЧИЛОВ: Бозор деганда ҳар бир дехқон ўзи етиштирган мақсулотини — у қовун, тарвузми, олма, узумми сотишга ҳақлидир. У атрофдагиларга қарайди, хўш, ён қўшисин бугун анжирнинг бир килосини қанчадан пуллаётди. Анжир дейлик 10 сўм, демак у ҳам анжан шу бағога сотади. Табиқинки, харидор эътироз билдирди. Бунинг бозор дейдилар. Хоҳласан олсан, хоҳласан йўқ. Менимча, биз тараққот бозор иқтисодиётига ўтишимиз керак. Тўғри, қийналагани аввалгига. Янгилик ҳаммаша ҳам осон бўлмаган. Секин-секин ҳаммаси изга тушади. Бунга имонимиз комил. Ҳукумат ҳам бозор иқтисодиётига ўтишимиз олдани муҳим қарорлар қабул қилишни тайин. Жумладан, нарх-наво кўта-

Бахтиёр ОЧИЛОВ: Бунда шундай иш юритишадик, беахтиёр ақангни ушлаб қолсан, киши. Мева-чевага нарх-наво тепадан белгиланади. Дейлик, бирорта жамоа хўжалигига сен фанон тонна мақсулот етиштирасан, унинг ҳар бир килоси фанон тийин бўлсин... Бундай тепадан нарх қўйишларга чек қўйиш пайти аллақачон етди. Энда жамоа хўжалиги ўзи етиштирган мақсулотларга ўзи хўжайинлик қилиши лозим. Нархни ҳам ўзи қўйсин. Россияга ўз мақсулотини сотмоқчимиз, марҳамат сотсин. Узи шартнома тусин. Шундагина ўзбекистоннинг саноатини ерда етиштирилган мақсулотлар сув текин кетишига бархам берилади.

Василлий ЛИТВИШКО: Ҳа, Польша бозор иқтисодиётига ўтиб кам бўлади. Уларда ҳозир мўл-кўлчилик. Биз эса ҳозир бозор иқтисодиётига ўтишга таййаргарлик қўраёламиз. Қийинчиликлар бўлиши табиий. Халққа аввало тушутириш керак, бунинг нимаини. Шундагина ҳукуматга осон бўлади.

Бахтиёр ОЧИЛОВ: Бизда шундай иш юритишадик, беахтиёр ақангни ушлаб қолсан, киши. Мева-чевага нарх-наво тепадан белгиланади. Дейлик, бирорта жамоа хўжалигига сен фанон тонна мақсулот етиштирасан, унинг ҳар бир килоси фанон тийин бўлсин... Бундай тепадан нарх қўйишларга чек қўйиш пайти аллақачон етди. Энда жамоа хўжалиги ўзи етиштирган мақсулотларга ўзи хўжайинлик қилиши лозим. Нархни ҳам ўзи қўйсин. Россияга ўз мақсулотини сотмоқчимиз, марҳамат сотсин. Узи шартнома тусин. Шундагина ўзбекистоннинг саноатини ерда етиштирилган мақсулотлар сув текин кетишига бархам берилади.

Мурод САЛИМОВ: Шундай дейсизу Бахтиёржон, лекин бозор иқтисодиётига

Бахтиёр ОЧИЛОВ: Бунда шундай иш юритишадик, беахтиёр ақангни ушлаб қолсан, киши. Мева-чевага нарх-наво тепадан белгиланади. Дейлик, бирорта жамоа хўжалигига сен фанон тонна мақсулот етиштирасан, унинг ҳар бир килоси фанон тийин бўлсин... Бундай тепадан нарх қўйишларга чек қўйиш пайти аллақачон етди. Энда жамоа хўжалиги ўзи етиштирган мақсулотларга ўзи хўжайинлик қилиши лозим. Нархни ҳам ўзи қўйсин. Россияга ўз мақсулотини сотмоқчимиз, марҳамат сотсин. Узи шартнома тусин. Шундагина ўзбекистоннинг саноатини ерда етиштирилган мақсулотлар сув текин кетишига бархам берилади.

Василлий ЛИТВИШКО: Ҳа, Польша бозор иқтисодиётига ўтиб кам бўлади. Уларда ҳозир мўл-кўлчилик. Биз эса ҳозир бозор иқтисодиётига ўтишга таййаргарлик қўраёламиз. Қийинчиликлар бўлиши табиий. Халққа аввало тушутириш керак, бунинг нимаини. Шундагина ҳукуматга осон бўлади.

Василлий ЛИТВИШКО: Албатта, бошқарувчи ишчи, ишчи бошқарувига боғлиқ, лекин бозор иқтисодиёти учун муҳими, бизларнинг жаҳон бозорига тўғрилик бўлган ўрнинидадир. Одамларнинг ташвишга тушеётгани ҳам бежиз эмасда ахир! Кунга кун фабрикамаиз савдо дўкончасида 15 тиндан сирагет сотишди. Узи узоқ турариб сарғайиб кетибди. Тарин уни 15 тиндан сотишди. Давлат нархи 12 тин экан, шу ерда ҳам юлгинлик қилишга тўғри. Бозор иқтисодиётига ўтишимиз тайин. Лекин бундай куплаққундузи ишчини ўтмай қолган мақсулот билан алдас, яна у кишини ишлиб қилиш мени кечиринг, бу одамларда нафрат туғиғусини ўйотганидан бошқа нарсаси эмас.

ЯРАТИЛГАН ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНЯПСИЗМИ?

© СССР Вазирлар кенгашининг уй-жой қуриш, томирча участкаларини қўлайтириш, аҳолининг озиқ-овқат мақсулотлари билан таъминланишини яхшилаш мақсадида қорамол сотиб олиш ва шунга ўхшаш дозарар масалаларни тезроқ ҳал этиш учун меҳнаткашларга моддий ёрдам қўриштириш ҳақидаги қарори ижобат бўла бошлаганига икки йилдан ошди. Бу хайрилик иш фақат қишлоқда эмас, шаҳарларда ҳам кенг қўлланилиши қўзда тутилган эди. Орадан ўтган вақт ичда имтиёзлардан фойдаланган қандайдир фойдаланяпсизми? Яқинда биз Собир Раҳимов район жағмарга бисотхонасида бўлдик. Бисотхонанинг аҳолига қарз бериш бўлимида кишилар гажаму. Кимдир ҳужжат топширипти, яна бири қандайдир ҳужжатлар зарурлиги ҳақида масалат олапти. Уларни суҳбатга тортамиз.

С. Раҳимов райониди аҳолининг асосий қисми ерли миллатга мансуб бўлиб, эски маҳаллалар кўп йиллар давомида ана бузилади, мана бузилади, деган овозлар турғайли дерири ремонт қилинмаган эди. Шаҳар бош режасига мувофиқ бу райондаги эски маҳаллаларнинг аксарияти бузилмасдан, ўз ҳолида сақланиб қолиниди. Шунинг учун ҳам, кишилар нураб, бузилишга келиб қолган уй ва деворларини, томларини қайта созиш учун давлатдан қарз олмақдалар. 10 йил муддатга қайтатиш шарти билан 3 минг сўмга қарз бўлишти.

чиқилди. Бироқ шартномага хилоф иш тутганлар учрамади. — Айримлар чек усули тўғрисида эътирозли фикрлар айтишляпти... — Юқоридан келган қўриқма бунга узоқ муддатли қарзинг бир қисмини чек усулида беришни қўллаган эдик. Бироқ у яхши натижа бермади. Масалан, уй қурмоқчи бўлган шахсга 5 минг сўмлик чек қорози бердик. Қурилиш материаллари базаларида нақд пулга керакли ашёларни топши мушкул пайтида сотувчилар чекин қабул қилмаётдилар. Шунинг учун ҳам дерири ҳамма чек қорозлари яна қайтариб олиниб, нақд пул билан аямлаштирилди. — Қисқа муддатли қарзлардан ҳам фойдаланишляпти? — Очиги, жуда камчилик фойдаланди. Қисқа муддатли қарз асосан нархи 1000 сўмдан ортиқ бўлган буюмларни сотиб олиш учун берилди. Қўнчилик мебель харид қилиш мақсадида бизга мурожаат этишган. 3 йил давомида тулаш шартин билан 2 минг сўмгача берилдиган қарз нақд пул эмас, чек ҳисобида бўлади. Мебеллар жуда тақчил бўлиб қолганлиги сабабли ҳам қарз олувчилар кўп эмас.

Бисотхона ҳодимлари меҳнатчилар учун яна бир қўлай усулни йўлга қўйишган. Маълумки, ҳозирги кунда қорхона ва ташкилотлар қишлоқ районларидан ишчи-хизматчилар учун дала-ҳовли акрибати олишляпти. Бундан қийналганлар, албатта, бисотхонадан қарз олишади. Ишчи-хизматчилар вақтларини кетказиб бисотхонага овера бўлмасликлари учун ўша ташкилотнинг ўзида давлатдан қарз олишляпти. Ушундан қарз эса ишчи-хизматчиларнинг олийк маошларини ўз қиссаларидан 3 минг сўмдан 5 минг сўмгача пул олиб, дала-ҳовли қуриятдилар. Уларга берилган пул бисотхона томонидан ташкилотга ўтказилди. Туланидиган қарз эса ишчи-хизматчиларнинг олийк маошларини олийк маошдан босиб қолиниди ва бисотхонага ўтказилди.

© Хулоса қилсак, хўш, бисотхона хизматидан ҳамма хабардорми, деган савол туғилди. Чунки айрим районларда бисотхонадан қарз олувчилар рўйхати тузилди, назорат остига олинган. Навбат кутиб эўрга қарз олиниб, деган гапларини эшитсан. Бу ерда эса унчиги қвартал учун ажратилган пул тулқил тақсимланди. Анжирроғи, пул сўраб арнза берилган кўп эмас. Ҳукумат жорий эгган бу имтиёздан эса ҳар бир фуқаро фойдаланиш ҳуқуқига эга-ку.

Маҳалладош

Биз — байналмилалчилармиз

Дўстлик байрами

ЎРТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маданият саройи тантанавор безатилган. Биродарлик ва байналмилал дўстлигини мадҳ этувчи куйлар қўшиқларга уланади. Қарнай-сурнай наволари кишиларни байрамга чорламайди.

Ажойиб тантананага Файзулла Хўжаев номидаги маҳалланинг кексалари, Қаҳрамон оналар, уруш қатнашчилари, илгор ишчилар, байналмилалчи жангчилар ташриф этишди. Маданият саройининг директори А. И. Базаева кечани очар экан, келганларни қўлаб шундай деди:

— Дўстлик сарҳад билмайди, миллат ҳам танламайди. Бугунги шодияни ана шу муқаддас туйғуга бағишлаганимиз бежиз эмас. Иштирок этаётганлар ўндан ортиқ миллат вакилларидан иборат. Дастуримиз ҳам шунга яраша, ранг-баранг қилиб танланган.

Маҳаллада байналмилал руҳдаги маросимларнинг ўтказилиши қандай яхши одат. Жумҳуриятимиздаги қийинчиликлар, иқтисодий тангликни бартараф этиш учун миллатлар ўртасида мустақам билрик зарур.

— Илчиларимизнинг асосий қисми шу маҳаллада истиқомат қилишади, — деди «Виктория» ширкати раиси

Н. Мостовой. — Бугунги шодияна ташаббускорларидан жуда мамнун бўлдим. Кишининг руҳи кўтарилади, қалби қувончга тўлади. Меҳмондўст ўзбек халқи орасида яшаётганимдан фахрланаман.

— Ен атрофдаги қўшнларим, рус, қозоқ, тожик ва яҳудийлардан иборат, — суҳбатга қўшилди Қаҳрамон она Назира Тошматова, — тўй ва маъракаларда доимо бирга бўламиз. Ҳеч ким тортиб четда турмайди. Биз оналар юртимиз доимо тинч, фарзандларимиз иноқ бўлишларини истаймиз.

Турли миллат вакиллари қатнашаётган давра қизигандан қизийди. Маданият саройининг дасталари хизматда. Гоҳ миллий, гоҳ қардош халқларнинг куй-қўшиқлари авьга чиқади.

Маросим янада қизиқарли ўтиши учун турли хил кўргазмалар ҳам ташкил этилган. Аиниқа маданият саройида фаолият кўрсатаётган ёш rassomлар тўрагани аъзолари томонидан ишланган ранг-баранг суратлар кўпчилигига маъқул тушди. Мавзулар асосан дўстликка бағишланган.

— Маҳалламизда 20 га яқин миллатга мансуб, беш мингдан ортиқ аҳоли яшайди, — деди маҳалла кўмитаси раиси Тулаган ана Нурмонов. — Илгари ҳам дўст-



лик, қардошлиқни улуғлайдиган кечалар, учрашувлар ташкил этганмиз. Бироқ бу галгиси аиниқа чиройли ўтди. Тантанани ташкил этган маданият саройи жамоасига, моддий жиҳатдан қўлаб-қувватлаган ва бош-қош бўлган Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларига раҳмат. Ай-

ниқа уруш ва меҳнат кекчалари, Қаҳрамон оналарни эъзозлаб совғалар берилиши уларнинг кўнгилни тоғдек кўтариб юборди.

Шу кун мустақил ҳаётга қадам қўяётган икки ёшнинг ниқодан ўтказиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ҳаётда кўлаб ўғил-қизлар ўстирган, маҳалладаги обрўли кишилар

уларга бахт тилаб, оқ фотиҳа бердилар. «Маҳалланинг энг сарништа хонадония» танловда ҳайъат аъзолари Морозов кўчасидаги 19-уйни голиб деб топилди.

Тантана негача давом этди.

О. ШАМСИЕВ.

© СУРАТЛАРДА: дўстлик байрамидан лавҳалар.

ХУШХАБАРЛАР



Олтин тўй

С. РАҲИМОВ районидagi «Октябрь» 40 йиллиги маҳалласида яшовчи Абдулла ота Азизовнинг умр йўлдоши Жюрия ая билан турмуш қуришганига 50 йил тўлди. Шу муносабат билан бу таваррук хонадонга ўғил-қизлар ва яқин кишилар ташриф буюришди. Нуфузли доирада нишонланган тўйда маҳалла кўмитасининг раиси Тошпўлат Раҳматов маҳалла аҳли номидан табрик сўзи айтди.

Х. ПУЛАТОВ.

Мавзеда тўйхона

ЮНУСОБОД даҳасининг 19-мавзесида янги тўйхона иш бошлади. Бу ажойиб масканни маҳалла аҳли ҳашар йўли билан бунёд этди.

— Ҳозир тўйларни бемалол ўтказиш мумкин, — деди 15-уй кўмитасининг раиси

С. Эргашев. — Кейинчалик бу жойда ошхона, омборхона ва дам олиш хонаси қуришни мўлжаллаб турибмиз.

Яқинда ўғил уйлантирган Зиёвуддин Тоҳировлар она-си никоҳ кечасини шу тўйхонада ўтказишди.

З. ЗАЙНИДДИНОВ.

Янги новвойхона

Киров районидagi «Янги-арик» маҳалласи тобора обод бўлиб бормоқда. Ҳар йили янги-янги машинаш ва маданий хизмат нуқталари ишга туширилямоқда. Яқинда Иби Сино кўчасида барча қулайликларга эга бўлган новвойхонанинг очилгани фикримизнинг далилидир. Тошкент шаҳар матлубот қамияти маблаг ҳисобига бунёд этилган бу шохободада кунига 1100—1200 навадан оби новлар аҳоли дастурхонига тортиқ этиляпти.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент шаҳар Совети доимий комиссияларида

САЙЁР ЙИҒИЛИШ

МАҲАЛЛА, уй кўмиталари ва жамоатчилик билан ишлаш доимий комиссиясининг 1-сайёр йиғилиши Куйбишев районидagi «Оққўрғон» маҳалласида ўтказилди. Томошагоҳга 29 та маҳалла раислари, фаол хотин-қизлар, шунингдек райондаги мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари йиғилдилар.

— Бугун бу жамоага ташриф буюрганамиз бежиз эмас, — деди комиссия раиси Ш. Темиров мажлисини очар экан. — Маҳаллаларда йиғилиб қолган муаммолар, уларни қал этиш йўллари бўйича фикр юртамиз.

Шундан сўнг нотиқ доимий комиссиянинг фаолияти ҳақида ахборот берди.

«Маҳалла» дастурининг ижроси районда қандай бажарилмоқда? Шу ҳақда район ободонлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари И. Купербег маъруза қилди. Унда таъкидлашча, кейинги пайтда 63 та маҳалла раислари ва котиблари учун ойлик маош тўлашга 85 мингга яқин маблағ ажратилган. Маҳалла кўмиталари идоралари таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланяпти. Ҳозиргача сув шохобчаларини таъмирлаш 104, кўчаламзорлаштириш эса 100 фойзага бажарилган. Жойларда 12 минг метр узунликдаги канализация қувурлари ётқи-

зилди. Кўчалар асфальтланмоқда. Шунингдек, кўлаб ободонлаштириш ишлари бажарилляпти.

Шуни айтиш керак, «Маҳалла» дастури бўйича ижтимоий соҳадаги муаммолар қандай ҳал қилинаётгани, масалан, маҳаллада яшовчи фуқароларнинг фарзандлари боғча ёки мактаб билан таъминланиши ҳақида лом-ним дейилмади. Савол берган ўртоқлар ҳам тўлиқ жавоб ололмадилар. Очиги, маъруза кўпчилигини қониқтирмади. Шу боис уруш ва меҳнат кекчаси Э. Муҳамедов сўзга чиқиб, районда «Маҳалла» дастури бўйича олиб борилаётган ишларни қониқарсиз деб топилганини тақлиф қилди.

Шундан сўнг мунозаралар бошланиб кетди. Меҳнат кекчаси Бўри Мусавв, «Оққўрғон» маҳалла кўмитаси раисининг ўринбосари Б. Қосимов, 2-мавзеда яшовчи Р. Ҳайдаров, 99-мактаб директори К. Маъзумова ва бошқалар жойларда тўлланиб қолган муаммо ва камчиликлар ҳақида гапирди. Сайёр йиғилишида қатнашган район ва шаҳар Советининг депутатлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тилга олинган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

С. ШОДИЕВ.

«Осиё»нинг

Езги танаффусдан сўнг, «Осиё» модалар театри ўзининг навбатдаги янги мавсумини бошлади. Шу қисқа давр ичида ўттизга яқин турли нафис модалар яратилди. «Ташғоршвейбит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ижодкор мутахассислари тайёрлаган янги либослар орасида шарқ миллий мижозига

янги мавсуми

мос келадиган модалар ҳам анчагина.

Ана шу янги модалар асосида «Осиё» театри янги театрлаштирилган сахнани ҳозирлади. Бу томоша чоғида модельерларнинг бу самарали ишлари намуналари билан яқиндан танишиш мумкин.

С. ОДИЛОВА.

БИЛДИРИШ

ТОШКЕНТ шаҳар маҳалла кўмиталарининг I Қурултойи шу йил, 20 октябрь кун, соат 10 да Навоий

номидаги ўзбек Давлат академик Катта театрининг биносида ўтказилади.

Депутатлар
фаолиятидан

**ЖАМОА АҲЛИ
МИННАТДОР**

ОКтябрь райондаги «Коммунист» маҳалласида инқилобдан илгари Саримсоқ-хўжа бой томонидан қурилган масжид Улуғ Ватан уруши йилларида гарбий районлардан кўчириб келтирилган кишиларга яшаш жойи қилиб берилган эди. Район Советининг депутаты Абдуваҳоб Еқубов ташаббуси билан бу ондалар учун барча қўлайликлари бўлган янги уйлар олиб берилди. Масжид биноси эса ижроқўм қарори билан маҳалла ихтиёрига берилди.

Маҳалла кўмитасининг раиси Н. Орифонов бошчилигида аҳоли кучи билан бино қайта таъмирланди. Ҳозир унинг бир қисмида кексалар ибодат қилмоқдалар. Қолган қисмида маданий-оқартув ишлари олиб борилди. Яна бир хонада маҳалла идиш-товоқлари саранжом сақланмоқда.

Депутат А. Еқубов шу кунларда маҳаллани газлаштириш ниятида юрибди.

М. НАБИХОНОВ.

**МАРҲАМАТ,
СУРАИВЕРНИНГ**

С. ҒАНИЕВА: Мен беш бола-ни боқиб катта қилдим. Айтингчи, неча ёшдан ва қанча иш стажини билан қариллик пенсияга чиқишим мумкин?

ЖАВОВ: Беш ва ундан ортиқ фараздин тарбиялаб, 4 ёшгача вояга етказган оналар қариллик пенсиясига 50 ёшга тулганларида, 15 йиллик иш стажини билан чиқадилар. Агар иш стажини 5 йилдан кам бўлмаса у ҳолда тулик бўлмаган иш стажини билан ҳам қариллик пенсиясига чиқишлари мумкин.

○

С. ТУРСУНОВ. Мен Афғонистонда байналмилал бурчимни ўтаганман. Ҳозир икки болам бор. Яқинда район Совети ижроия комитети томонидан тўра жой билан таъминландим. Хонадон ҳақи ва коммунал хизматлар учун неча фонд ҳақ тўлайман?

ЖАВОВ: Сиз бундай ҳақ тўлашдан овоз қилинаёсиз. Чунки жумҳуриятимиз Президентининг шу йил, 8 майда эълон қилинган Фармонида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи-жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ана шундай имтиёз берилган.

Коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик қувватлари) учун эса ҳақини Улуғ Ватан уруши ногиронларига мўлжалланган имтиёзлар бўйича тўлайсиз. Бу, демак ҳақнинг 50 фоизини ташкил этади.

А. ҲАСАНОВ,
хунушунос.

Маҳалланг—ота-онанг

**ЖАБРДИЙДАЛАРГА
ХАЙРИХОҲМИЗ**

МАҲАЛЛАМИЗДАГИ чойхонада ўтказилган умумий йиғилишда «Оқдарё» кўчасида содир бўлган ёнғин оқибатида зарар кўрган 9 та хонадонга ёрдам кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди. Мажлисида райондаги 32 та маҳалла кўмиталарининг раислари, маҳаллалар ҳудудидagi ташкилотлар, райком ва райижроқўм раҳбарлари, шунингдек ёнғинда жабр кўрган хонадонларнинг аъзолари қатнашишди.

Йиғилишни Ҳамза район маҳаллалар ишани мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Н. Ҳасанов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг район ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Т. Турсунов қўнгилсиз воқеа содир бўлган кунни хонадонлари ёниб кетган ондалар тadbиркорлик билан, шоянчи тарзда давлат уйларига жойлаштирилгани ҳақида гапирди. Нотияқнинг таъкидлашча, жабр кўрганларга 29.500 сўмлик қурилиш материаллари ажратилган. Паспорт, уйнинг режаси ва бошқа ҳужжатлари қуйиб кетган кишиларга ҳам ёрдам кўрсатилган. Райижроқўм, район давлат суғуртаси идораси ҳамда ширкат томонидан 26.500 сўм ёрдам пули берилган.

Одамлар бошига мусибат тушганда маҳалладошлар ҳам қараб туришмади. «Янгибод» даҳасидаги «Донишманд», Ҳамза, Миршарофов каби 11 маҳалла аҳли 2063 сўм, марказий маҳаллалар бирлашмасидаги «Дўстлик», «Умид», «Бирлашган», Маъмур, «Невская», «Ғалабанинг 40 йиллиги» маҳаллаларидан 1270 сўм, районнинг 11



участкисидagi 15.16, 22.26, 30.33 маҳаллалардан 1252, сўм, «Бешнапа» маҳалла Оқдарё кўчасида яшаётганлардан 2000 сўмдан ортиқ пул йиғиб берилди.

Мажлисида қатнашган Жўрабек масжиди имом-хатиби Аҳмаджон Бобомуродов ва «Янгибод» масжиди имом-хатиби Фозилжон Убайдуллаев масжидларда йиғилган 700 сўм пул ва рўзгор буюмларини тоширишди. Ёнғиндан зарар кўрган ондалар номидан М. Аҳмедова, А. Мадалиевлар сўзга чиқиб, кўрсатилган ёрдам учун миннатдорчилик билдирдилар.

Узаро ёрдам, кўрсатилган меҳр-шафқат маҳалла фуқаролари бир-бирларига ҳамisha яноқ эканликлари, орадан мана шундай оқибат сира кетмаслигини яна бир бор намойиш этди.

М. РАСУЛОВ.

Юнусов номидаги маҳалла кўмитаси раисининг ўринбосари.

○ СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳалар; ёнғиндан зарар кўрган хонадонлар яна тикланмоқда.

Т. Каримов суратлари.



РЎЗНОМА ва ойнамаларга обунга қизғин давом этаётган шу кунларда муҳарририятимиз хатлар қутиси орқали кўплаб мактублар олиб турибмиз. Уларнинг мазмуни ранг-баранг. Аксарият хатларда жойларда ўз ечимини кутаётган муаммолар кўнучаклик билан тилга олинади.

«Луначарский кўчасининг «Ўлшан» маҳалласи жойлашган томонда почта идораси, «Иттифоқ» томонда эса омонат касса жойлашган эди, —

Бизга мактуб йўллабсиз

**ЕЧИМИНИ
КУТАЁТГАН
МУАММОЛАР**

деб бошлабди ўз хатини Куйбишев районидagi Шукур Бурхонов номли кўчада истиқомат қилувчи Ж. Тошпулатов. — Афсуски, бундан бир неча йил аввал омонат касса «Салом» чойхонасининг рўпаресидagi кўп қаватли уйга, почта идораси эса «Корасув» даҳасига кўчириб кетилди. Шундан бери омонат касса хизматидан фойдаланиш учун кўнчилик беш-олти километр йўл юриб, сарсон бўляпти. Бунинг устига аҳоли кўнчилиги туфайли бу ерда соатлаб навбат кутнишга тўри келади. Айниқса, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ҳамда пенсионер қарияларга қийин бўляпти. Почта идорасининг аввали биноси таъмирланиб

яна ўз жойига кўчириб келинса жуда яхши бўларди. Аҳолининг талаби шу». Нима ҳам дердик. Уйлаймизки, Куйбишев ижроқўмидаги мутасадди ўртоклар 15, 16, 17, 18, 19, 20 ва 23-маҳаллаларда яшовчи 15-16 мингдан ортиқ аҳолининг талабини албатта инобатга олишсади.

«Сергели-2» маззасидаги 36-уйда яшовчи М. Раҳимова хонадонига барча қатори 1982 йилда ўтказиб берилган 58-28-50 номерли телефоннинг ҳеч қандай сабабсиз бошқасига алмаштирилганидан хунуб. У муҳарририятимизга йўллаган арзномасида телефон ҳақи ўз вақтида тўланиб, барча қондаларига риоя қилингани, шунга қарамай уй эгасидан бир оғиз сўрамасдан телефон номерини бошқа шахс номига ўтказиб юборишганидан нолийди. Ачинарлиси шундаки, алмаштирилган 57-51-75 номерли телефон бор-йўғи бир кун ишлаб, кейин умуман ўчиб қолган. Телефон тармоғидagi бундай тартибсизлик қачонгача давом этаркин, деб ўз мактубини тамомлабди муштариймиз.

Турмушимизда учраётган қийинчиликлар, ижтимоий соҳадаги муаммоларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан район раҳбарларига боғлиқ. Шу билан бирга маҳалла кўмиталари, феоалар ҳам ўз кўч-ғайратларини аямасликлари зарур. Ташкилотчилик ва уюшқоқлик бўлмаган жамоаларда белгиланган режаларнинг битиши, турмуш тарзининг яхшилланиши ҳам қийин кечади.

Келган хатларни кўздан кеңирар эканмиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Муштарийларимиздан У. Аштаев, Р. Раҳимов, 1-гурӯҳ ногирони Юсупова ва бошқалар биздан ёрдам беришимизни сўрашган. Айнан барча қийнаётган масалалар бўйича ўша жойлардаги мутасадди раҳбарлар ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилишса, улар шуғулланишса ўринли бўларди. Биз ҳам ўз навбатида қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаямиз.

Ш. САЪДИЕВ.

Турмушда асқотади

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

○ Эшикнинг ишдан чиққан бекитгич сурилмасини ўз кучимиз билан тузатишимиз мумкин. Диаметри 15 миллиметр бўлган резина ичак ёки бир бўлак юмшоқ резина билан ригель ва сурилма қобйга ўртасидаги пружинани алмаштира сўлади.

○ Эски пиймаларни ташлаб юборишга шоянманг. Улардан уйда қийнайдиган шиппақлар тиксиб олиш мумкин. Бунинг учун аввал қозогадан андоза қирқилади. Оёқ қийми кўримлироқ бўлсин десангиз, унинг деталларини узун чоклар билан чоклаб олинг. Бунинг учун оёқни рангли йўғон иплардан фойдаланилади.

○ Холодильник сиртининг янгилигини қандай тиклаш мумкин? Қуйидаги биркиманга тавёрланг: 50 грамм тиш порошоғи ва 20-25 грамм новшадил спирти. Шу биркима шимдирилган қозоқда ўша сиртинг артинг. Холодильникнинг юзаси яна олднингисидек ялтирайди.

○ Иситиш радиаторларини чапдан тозалашда чапютгич (пилеос) комплектга кирувчи пуркагич ёрдамидан фойдаланиш мумкин. Ифлосланган сувни йиғиб олиш учун радиатор тагига латта қўйилган ҳолда сув ва ҳаво аралашмаси пуркалади.

М. ҲАНИМОВ тайёрлаган.

Қадрининг билса қирқ йил эгил.

Хаёқ мақоли.

АЕЛЛАРНИ кўпича чиройли гуларга ўхшатамиз. Дарҳақиқат, улар бўлган жойда нафосат, гўзаллик, файзу-фароғат бор. Аёл киши ташриф буюрган хонадонда севиғ ва севиғч ҳам барқ уради.

Ҳали тонг ёришмасданоқ уй соҳибаси ёки келинчақ шошиб ҳовлига тушиб, кўлига челақ олиб, сўпурги ушлайди. Қарабсизки, кўп вақт ўтмай, теварак-атроф чиннидек топ-тоза бўлиб қолади. Бу орада чой кўяди. Қайнота-қайнонасига, болаларига эрталабки нонушта ҳозирлайди. Оила аъзоларини ишга, ўқишга кузатади, ўзи ҳам давлат юмушига отланади. Ишдан хориб-толб келишига қарамай, яна мўлжалдаги кундалик уй-рўзгор ишларини бажаришга киришади. Қаранг, бир аёлнинг бошида қанча ташвиш.

Ҳўш, эркакларчи? Рўзгорга мазмурчилик, болалар тарбиясига мазмун, хонадонга қут-баракка олиб кирувчи эркакларимизга кўп нарса боғлиқ. Оила посбонининг олуҳиматлигини билган, беихтиёр қани энди ҳамма ҳам унга ўхшаса дегинг келади. Ҳаётда эса кўпича акиси бўлади.

Одатда, эркакларимиз ишдан кейин уйда бир даста рўзнома-мажалаларни ўқишга тушадилар. Баъзан аёлларга осон тўти «кишимини дазмоллабмасан, фалон кишини қилмабсан ёки нарсаларини қаерга

кўйгансан», деб умр йўлдошининг асабига тегиб, шоширишади. Айтгани жо-бажо бўлмаса муштиллар аёлни ҳақоратлайдиганлар ҳам бор.

Аёлларга осонми? Очқинини айтганда онлада рўзгор юмушлари асосан улар зиммасида. Давлат хизматидан вақт орттириб кир ювади, болаларга қарайди. Ҳатто дам олиш кунлари

либ: «Хотинни нега олгансан, ўзи!», «Утм, тайёрлаб келади» сингари пичинг гапларни айтиб, ғашингга тегувчилар ҳам топилади.

Менимча, эркак киши рафиқасига қарашиб юборса асакаси кетмайди. Жилла бўлмаса болаларни овутиб турниш ҳам аёлга ёрдам-ку. Яқин танишларимдан Зикир, Мирза, Соли-

кетди. «Юр чойхонага, бироз суҳ батлашамиз», дейди. Ош бўлса уйда пилашамти, бошқа кун чикқарман дегандим, хотинимнинг олдида қайдаки бўлмагур гапларни айтиди. Мана, ўзинг кўриб турибсан, болалар ёш, хотиним оғир оёқли. Бироз қарашиб юбормасан бўлмайди.

Мен жуда тўғри қилгансан, хафа бўлма, деб танишимнинг кўнглини кўтардим. Бошқа бир хонадонда бўлганим эсимда. Мезбон кири юваётган умр йўлдошига иш буюра бошлади: «Дастурхон ёзи», «Чой кўй», «Овқатга уни». Бечора аёлнинг қилаётган ишини ташлаб дам ёш боласига қараб, дам қозон-товоққа уринишдан хижолат бўлиб, ўрнимдан кўзгалишдан бўлак иложим қолмади. Эри эса, ҳатто рўпарасида турган дастурхонни ёзиб нон кўйишга, тайёр газда қайнаб турган чойни дамлашга эриниб, ҳадеб хотинини қис-тарди. Шу ҳам инсофданми, ахир?! Ғамхўрлик эркакларга жуда ярашади. Уйда аёлларнинг бажарадиган юмушларнинг зарогини бўлса-да, урганиб олсалар ҳеч зарар қилмайди. Аёлга меҳр берсак, уни ардоқласак, эъзолааск оила осойишталиги, бир-биримизнинг узоқ умр кўришимизни таъминлаган бўламиз. Қолаверса, уларни асраб-авайлаш муҳаббатимизнинг рамзидир.

А. ИСАЖОНОВ,
Тошкент районидagi 14-мактаб
ўқитувчиси.

Кўпнинг кенгашига

ЭҲ, СИЗ ЭРКАКЛАР!

уй йиғиштиради, меҳмон кутади, керак бўлса икки-уч маҳал овқат пиширади. Ердам берадиган эркаклар эса жуда оз. Пазандлик ҳам бир фазилат дейди, халқимиз. Шундай экан, нима учун эркаклар уйда таом пиширишни ўзларига эп кўрмайдилар? Еки билишмайди? Билишади. Фақат кунт, хафсала ва бердос керак, бунга. Яна бир томони, гоҳо уйда овқат пишираётганини кўриб қо-

жон, Эркинларни яхши биламан. Ҳаммалари онлали, оёқ-кўли чаққон. Уйда, тўй ёки йиғинларда турли хил таомларни пиширишаверади. Одамлардан доим раҳмат эшитиладилар.

Яқинда бир иш билан танишим-никига борсам у айвонда хомуш ўтирибди. Сабабини суриштирдим.

— Э нимасини айтасан, хозиргина ишдан келиб ўтирибман, — деди у.— Анави Турсун таъбирини хира қилиб

Танишинг: тўйбоши

ИПАКДЕК МУЛОЙИМ

ТОЖИХОН аяни тўйларда бош бўлиб, елиб-югуриб юрганини кўп кўрганам. Нуроний онахоннинг нимасидир, ширин тиллими, балки хушфелигидир уни одамларга яқин қилиб қўйган. Маҳаллада Минавар Ортиқова келин олганда, Нортоқи Қодирова қиз чиқарганда, Комилжон Иброҳимов ўғил уйлантирганда қудалар ўртасида бўладиган эскича олди-бердиларга чек қўяди, тўйбоши сифатида исрофгарчиликларга йўл қўймади.

— Қайнона билан келиннинг тупроғи бир ердан оллинади, — деди Тожихон ая. — «Доно бўлса онаси, қобил бўлар боласи», деган нақл бор. Қайнона болам-бўтам қилса келин ҳам парвона бўлади. Бундай хонадондан қут-баракка аринмайди.

— Баъзи онлалардаги келишмовчиликларини ҳал этиб тураркансиз...

— Тўғри. Аёл қалби доимо пахтадек юмшоқ, ипақдек майин бўлиши керак. Ана шу жиҳат эр-хотинни муросага келтиришида қўл келади. Менимча энг муҳими, ўртадан ҳурмат кетмаслиги керак. Одам темир эмас, иродасига бўйсунмай қоладиган кезлар ҳам бўлади. Айнақса эркак кишининг гапи-



га аёл терс жавоб қайтарганида ёки хўнаёт аралашса. Эрик уйда ушлаб турадиган нарса бу аёлнинг назокати. Яхши хотин «Терини ултон, эрини султон» қилади, деган нақл бежиз айтилмаган.

— Қизлар тарбияси тўғрисида ҳам бир оғиз гапирсангиз.

— Ниҳат ва тилгагим: қиз болар арзанда эмас, пазанда бўлиб ўссин. Қани энди уларнинг ҳаммаси ширинсухан бўлишса. Улар тарбияси аввало биз, катталарга боғлиқ.

Сергелк районидagi «Чоштепа» маҳалласида истиқомат қилаётган Тожихон ая Норҳўзаевнинг хонадонда доимо осойишталик, сарангом-сарншталик ҳукмрон. Сулувдек келин Дилфузaxon қайнонасини ўтказишга жой тополмайди. Маҳмуджон, Фаррухжон, Шухратжон, Гўзалхон каби неваралар эса атрофиди парвона.

С. МУҲАММАДЖОНОВ.

СУРАТДА: Тожихон ая невараларига боғлиқ.

Умрбоқий меросимиз

ШИННИ ҚОЗОН

ЕШЛИҚДАН шинини хуш кўраман. Бир кун «Қатортут» маҳалласидagi буваимизга борсак, тоғораларга солиб кўйилган туғларни икки қўллари билан эзаяптилар. Бувим эса, донада сувини силқитиб, бошқа идишга қўйиб билан машғул эдилар. Ойим: «Ана, ҳадемай шинини хўрлик қиламиз», деб мени севиштирдилар.

Қозоннинг оғзи қипча, пасти қисми кенг эди. Бир ченкада ўзига мос тувоғи ҳам турарди. Ҳатто майда, нимжизмадор, чиройли бўртма нақшларини бор. Бироздан сўнг шинини ҳам тайёр бўлди. Сопол пиллага тўлдириб, дастурхонга қўйишди. Сап-сарик, худди асалнинг ўзгисини. Нон ботириб роса едим.

Бувам пиширилган шинини сопол хумчаларга қўйиб, қопқонини ёпиб қўярдилар. «Ана, бўёғи қишга. Келганинда яна шинини хўрлик қиллаверсан», дердилар менига қараб.

Ҳайрон эдим. Буваимларини қачон борсам, дастурхонда шинини. Фақат тутданмас, узум, қовун, тарвузинидан ҳам сероб эди. Шафтоли, ноқ, қоңилар, майиз, ёнғоқ, данак мағиз, туршак, жийдалар, кунжут, тут хольваларини айтмай-сизми.

Йиллар ўтди. У даврдаги ҳаётин хозирги ёшларнинг кўпчилиги билишмайди. Яхшиям музейлар бор. Ота-боболаримиз меросидан хабардор қилиб турибми. Пойтахтдаги «Бекобод» маҳалласида яшовчи Мелибек ана Алимов мен билан суҳбатлашганда миллий маданиятимиз ҳақида куюниб, шундай деди:

— Эсилгина, хонадонимизда қанчадан-қанча буюмлар, масалан каттақон норин қозон, даштўй, кашкул, мис қозон, чойғум, патнис, обдаста, сопол хум, хумча, тўғича ниҳоятда кўп эди. Замонавий рўзгор буюмлари кўпайиб буларнинг нима нерағи бор, деб ташлаб юборибмиз-а. Ҳеч бўлмаса, музейга топширсак бўларкан.

Музейларни томоша қилиб «Қанд об» деб аталувчи шинни қозонни учратдим. Назаримда қандайдир сабабларга кўра буваимнинг йўқолиб кетган шинни қозонини ҳам шу даргоҳлардан бирида кўргандайман. Нима учун шинни қозон соф мисдан яратилган? Сабаби оддий: шинни юқори ҳароратда пишади. Мис тез қизийди-ю, тез совиб қолмайди. Шинни бир меъёрга қайнайверади. Шираси Янгилиб, чинаман асалга ўхшаб қолади. Мурабага нисбатан бу ширинлик ҳар томонлама фойдали. Қишин-ёзини шамоллашдан сақлаб, дармонсизга қуват бағишлайди.

М. РАМАЗОНОВ.



Хурматли Донобува! Мен «Кўкча» маҳалласининг «Кўрғонча» кўчасида яшайман. Икки ўғлим бор. Ҳар иккови ҳам армия хизматидан қайтиб келди. Бирини десант, бирини чизмачилик ихтисоси бўйича раҳматномага эга. Бу менинг оналик бахти.

Хоналаримиз камлиги туфайли, болаларни уйлантириш шароити йўқлигини мошомизга қурилиш жиҳозлари сотиб олиб қўя бошладик. Бун-

ҚўШНИМ МЕНИ КЕЧИРАРМИКАН?

дан қўшнилариимиз ҳам хурсанд бўлишди. Улар: «Тўй қилар экансиз-да, иморат битгандан кейин», деб кўнглимини кўтардилар. Уйимизнинг орқа томонида яшовчи қўшним эса «Жуда яхши бўлибди, ошхона-мизнинг орқасига баландроқ қилиб иморат солаверинглар», деди. Мен ва ўғилларим бундай сўзлардан бошимиз осмонга етиб, шу йил июнь ойида иморат қўра бошладик. Қурилишни бошлашдан олдин:

— Қани фотиҳа беринг, — деб қўшнимизни чақириб, расм-русига кўра «оқлиғ» бердим. У киши «Буюрсин, тўйлар бўлсин», деб чиқиб кет-

дилар. Шундан кейин касалхонага тушган эканлар, биз билмай қолибмиз. Бир кунни уйга келганлариде эшикнинг тирқишидан қараб:

— Оббо, жуда баланд бўлиб кетибди, бу нимаси, — деб асаблари бузилди.

Шундан кейин катта ўғиллари бизникига чиқиб, деди:

— Раъно опа, дадам энди бу ёғини пастроқ қилишсин, баланд бўлиб кетибди, — деб айтиб кетдилар.

Очиги, қўшним ўз сўзидан қайтгани учун жуда хафа бўлдим. Орадан бир қанча вақт ўтгач, у касалхонадан қайтиб келиб: «Инсоф борми, сизлар-

да!» — дея койиб берди.

— Амаки, ошхонаимизнинг орқасига ахир, фақат бироз баланд бўляпти, — деб ялиндим, илтимос қилдим. Охири маҳалла кўмитаси раисини олиб келдилар. Менинг юрагим сиқилди, ўғилларимнинг ҳам кайфияти бузилди. «Майли кўраимиз, идорага чиқарсизлар», деди маҳалла кўмитасининг раиси насихат қилиб. Маҳалланинг отахонлари танбех беришганим, билмадим, кейинги пайтда амванининг шаштлари анча тушиб қолди. Уртадаги салом-алиқни йиғиштириб қўйдик.

Азиз Донобува! Наҳотки 30

йиллик қўшничилигимизга шу арзиманган воқеа сабабли пур этган бўлса. Иноқ қўшнимнинг аҳволи «битта синчу, иккита гишт экан-да», деб ҳайрон қоламан.

Бу ҳам майли, яқинда у кишининг умр йўлдоши касалхонада бир ой ётиб келди. Бирроқ кўриб чиққич учун бир неча марта ҳаракат қилдим. Аммо қўшнимнинг гаплари эсимга тушиб, ўзимни тўхтаддим. Қандай қилиб кўриб чиқсам экан, деб бошим котади. Қўшним мени кечирармикан! Виждоним қийналмоқда. Иморат ҳам битар, тўй ҳам бўлар. Лекин ўртада қўшничиликнинг бузилгани, инсон қедр-қиммати топталгани қолади. Шундай эмасми?

Донобувага дил сўзларини Р. АҲРОЛОВА тўкиб солди.

КУЗГИ ЮМУШЛАР

МЕВА дарахлари бошқа ўсимликларга ўхшаш тупроқда азот, фосфор, калий, кальций, темир, олтингугурт ва мағний моддаларини олади. Богдорчиликда гўнган кенг фойдаланилади. Гўнг тўлиқ ўғит бўлиб, унда ўсимликлар учун зарур бўлган озуқа моддалари бор. Текшириш натижаларига кўра тупроққа солинган 1 тонна гўнда 4—6 килограмм азот, 2,5 килограммга яқин фосфор, 5—6 килограмм калий, 0,15—0,2 килограмм марганец ва 0,005 килограмм бор каби микроэлементлар бўлади.

Минерал ўғитлардан фосфор ва калийни кузда ерни шудгорлашдан олдин (октябрь—ноябрь) берилса, азотни ёш ва ҳосилга кирган дарах тагига сув беришдан олдин, 12—14 сантиметр чуқурликка солинади.

Кузда органик ва минерал ўғитлар 30—40 сантиметр чуқурликка солинган маъқул. Ёш дарахлар тўлиқ ҳосилга киргунча ҳар бир квадрат метрга 6—8 граммдан соф азот, 3—4 граммдан соф фосфор, 2—3 граммдан калий солинади. Шунинг қайд этиш лозимки, данакли мевалар кучли ўсганлиги учун уруғли мева дарахларига нисбатан ўғитларни камроқ талаб қилади.

Усувдан қолган дарах тагига солинаётган ўғит миқдори бир оз оширилади, яхши ўсаётган дарах тагига органик ва минерал ўғитлар солиш қисман камайтирилади. Микроўғитларни кузда ёки баҳорда бир текисда ер юзасига сочилиб, минерал ўғитлар билан ерга кўмиб юборилади.

Кузда барглр тўқилгандан кейин ва бутун қиш давомида дарах танаси ва она шохларининг нобуд бўлган пўстлоқлари темир сидирғич ёрдамида тозаланади. Бунда соғлом пўстлоқ шикастланмаслиги керак. Қириб туширилган пўстлоқлар брезентга йиғиб олиб, сунгра ёкиб юборилади. Қари дарахдаги қавак соғлом жойиғача тозаланиб, 5 фоизли мис купороси эритмасида дезинфекция қилинади. Унга цемент ёки қум аралашмаси тўлдириш мумкин.

Ҳозир мевали дарахлар остига ўз вақтида ва сифатли ишлов бериш, улардан мўл ҳосил олишнинг гаровидир.

М. СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Маҳалламиз ҳудудда 80 дан ортиқ уруш ва меҳнат кенсалари, пенсионерлар истиқомат қилишади. Уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, давлатимиз томонидан берилган имтиёزلардан баҳраманд этишда оқсонлар кенгаши аъзолари жонкурлик қилишяпти. Бундан ташқари Собир Раҳимов номли мактаб ўқитувчилар жамоаси билан ҳамкорликда маҳаллада яшаётган болалар ўртасида тарбиявий ишлар олиб борилапти. Кенгаш ташаббуси билан билим даргоҳи олдига мевазор бог барпо этилди. Ҳашар ташкил этилиб, спорт ва соғломлаштириш майдончаси қурилди. Оқсонлар талабини бажармаган шахсларга нисбатан чора ҳам кўрилмади.

Кўмитанинг 11 аъзосига вазифалар тақсимлаб берилган. Фаоллардан бири ободончилик ва санитария ишлари кенгашини бошқарапти. Кейинги икки йил ичда 16 та кўчага асфальт ётирилди. Маҳалламизда суратта олиш устаконаси, сарта-

рошхона, мева ва сабзавот дўноқлари ишга туширилди. Сизов кўчасидаги дарахларни сув билан таъминлашга мўлжалланган ариқ қазилган эди, маҳалламиз шаҳардаги энг обод, мевазор жойга айланди.

Шунга ўхшаш хотин-қизлар, тўй ва маросимларни ўтказиш кенгашларининг ишини ҳам таъинлаш мумкин. Жамоатчилиги билан мустақам алоқа ўрнатилган мунтазам маҳалла ҳудудда яшовчи зўблар, олимлар кучи билан турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилапти.

Кенгашларга суяниб иш кўраётганимиз ўз сазарасини беришда. Ҳозир партия ва совет ташкилотларига арз қилиб борувчилар сонини камайди.

З. ИСКАНДАРОВ,
Хоразми вилояти, Урганч шаҳридаги Сизов номли маҳалла кўмитасининг раиси, вилоят Советининг депутаты.

Кулги—

хушчақчақлар мулки

КИМГА ОШ ТАШВИШИ

Кимга ош ташвиши...

Кимга эса бош...

Ҳаётки,

ҳар кимнинг ўз дарди ўртар.

Дейдилар:

Кўз чиқар кўяман деб қош,

Кўр қолиб одамни йўлда соғ туртар.

Шундай бўлди кеча...

Спорт кийимида

Тонг чоғи ён қўшни билан чопардик.

Жисмоний тарбия деган ўйинда

Шаштимиш зўр эди қадим чопардик.

Қаршида магазин бор эди,

Унда очиларди,

Чопардик, ҳа, тўғри уни чамалаб,

Бошқа йўл бўлмасе нима қиламиз.

Шунда кўшни кайири қолди ҳайқириб,

Шарт тўхтаб тўртинчи қаватга боқди.

Соатта ишора қилди қаҳ уриб,

Табиий, қўларда соатга боқди.

— Ахир очилди магазин унда,

Буича пошмасангиз,

нақ уч соат бор?

Эрта саҳарданоқ чонасиз кунда

Ўзи сиз қандайни қизиқ харидор?!

— Харидор эмасмиз, кечиринг кўшни?

Бизники шунчаки бадантарбия.

У кўшни холашиз яна гап қўшди:

— Бекорга чопишдан не наф, таъния?!

Йўздан тўхтаганча чамирардик қош.

Кимга бот ташвиши,

кимга эса ош!

САБЕР.

Акс садо

«Санъаткор тўйга борса айбми?»

